



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
МАРКАЗИЙ БАНКИ

# ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

*2020 йил август ойи учун*

2020

Январь

Февраль

Март

Апрель

Май

Июнь

Июль

**Август**

Сентябрь

Октябрь

Ноябрь

Декабрь

## Мундарижа


<b>I. Сўров иштирокчилари таркиби ва географияси .....</b>	<b>2</b>
<b>II. Жорий иқтисодий ҳолат ва кутилмалар.....</b>	<b>3</b>
Иқтисодий фаоллик индекси .....	3
Ишбилармонлик кайфияти индекси.....	4
Саноат соҳасидаги иқтисодий ҳолат ва кутилмалар .....	5
Қурилиш ишлари соҳасидаги иқтисодий ҳолат ва кутилмалар .....	6
Хизматлар соҳасидаги иқтисодий ҳолат ва кутилмалар .....	7
Савдо соҳасидаги иқтисодий ҳолат ва кутилмалар .....	8
<b>III. Методологик изоҳлар.....</b>	<b>9</b>

## I. Сўров иштирокчилари таркиби ва географияси


Мазкур сўров Халқаро иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг (OECD) реал сектор корхоналари билан сўровлар ўтказиш бўйича методологик тавсияларига асосан иқтисодиётнинг саноат, хизмат кўрсатиш, қурилиш ишлари ҳамда савдо соҳаси корхоналари билан ўтказилди.

2020 йилнинг август ойи учун ўтказилган сўровда республиканинг барча ҳудудларидан 729 та корхона ва ташкилотлар иштирок этган бўлиб, уларнинг 387 таси (53,1 фоизи) саноат соҳасида, 169 таси (23,2 фоизи) хизматлар соҳасида, 90 таси (12,3 фоизи) савдо соҳасида ҳамда 83 таси (11,4 фоизи) қурилиш ишлари соҳасида фаолият юритади.

1-расм. Корхона ва ташкилотларнинг тармоқлар бўйича тақсимланиши



2-расм. Корхона ва ташкилотларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши




## II. Жорий иқтисодий ҳолат ва кутилмалар

### Иқтисодий фаоллик индекси

**Иқтисодий фаоллик индекси** – корхоналарнинг жорий иқтисодий фаоллигини акс эттирувчи кўрсаткич бўлиб, мазкур индекс 0 дан 100 гача бўлган ораликда ўзгаради. Индекснинг 50 дан юқори бўлиши жорий иқтисодий фаолликнинг ижобий шаклланганлигини кўрсатади.

2020 йилнинг август ойи учун ўтказилган сўров натижалари мамлакатда иқтисодий фаолликнинг жадаллашганлигини кўрсатди. Хусусан, август ойида **иқтисодий фаоллик индекси (ИФИ) 47,1** ни ташкил этиб, июль ойига (**34,2**) нисбатан **12,9** бирликка ошди.

3-расм. Иқтисодиёт тармоқларида иқтисодий фаоллик индексининг (ИФИ) шаклланиши



**Иқтисодий фаоллик даражасининг ошиши** асосан жорий йилнинг 15 августидан бошлаб кучайтирилган тартибдаги карантин чекловларининг юмшатилиши натижасида:

- **хизматлар** соҳасида иқтисодий фаоллик индексининг **24** дан **46,4** гача;
- **қурилиш ишлари** соҳасида **40,7** дан **49,2** гача;
- **саноат** соҳасида **40,5** дан **48,4** гача;
- **савдо** соҳасида **35,2** дан **41,9** гача яхшиланганлиги билан изоҳланади.


## Ишбилармонлик кайфияти индекси

**Ишбилармонлик кайфияти индекси** (*Business confidence index*) – корхоналарнинг келгуси даврлар учун иқтисодий кутилмаларини акс эттирувчи кўрсаткич бўлиб, мазкур индекс 0 дан 100 гача бўлган оралиқда ўзгаради. Индекснинг 50 дан юқори бўлиши келгусида иқтисодий фаолликнинг ижобий шаклланишини кўрсатади.

Август ойида **ишбилармонлик кайфияти индекси** ижобий шаклланган бўлиб, мазкур индекснинг июль ойига нисбатан сезиларли даражада **ошиши** кузатилди.

Хусусан, жами иқтисодиёт тармоқлари бўйича ҳисобланган ишбилармонлик кайфияти индекси август ойида 63,7 ни ташкил этиб, июль ойига (54,5) нисбатан 9,2 бирликка ошди.

### 4-расм. Иқтисодиёт тармоқларида ишбилармонлик кайфияти индексининг (ИКИ) шаклланиши



Бунда, ишбилармонлик кайфияти индекси иқтисодиётнинг барча тармоқларида ошган бўлиб, энг юқори ўсиш кўрсаткичи **хизматлар** соҳасида (17,2 бирликка) кузатилди. Шунингдек, **савдо** соҳасида ишбилармонлик кайфияти индекси 6 бирликка, **саноат** соҳасида 4,8 бирликка ҳамда **қурилиш ишлари** соҳасида 3,7 бирликка ошди.

## Саноат соҳасидаги иқтисодий ҳолат ва кутилмалар

Жорий йилнинг август ойида **саноат соҳасидаги** фаолликнинг ошиши асосан, корхоналарда ишлаб чиқариш ва буюртмалар ҳажмининг ошиши, шунингдек, хомашё захираси ва иш ўринлари сонининг июль ойига нисбатан кўпайиши билан изоҳланади.

Шунингдек, август ойида соҳадаги корхоналарнинг **молиявий ҳолати ва айланма маблағлар билан таъминланганлик ҳолати** ҳам июль ойига нисбатан яхшиланди. Хусусан, корхоналарнинг молиявий ҳолати бўйича ҳисобланган индекс июль ойига нисбатан 6,3 бирликка, айланма маблағлар билан таъминланганлик ҳолати эса 6,4 бирликка яхшиланди (1-жадвал).

1-жадвал. Саноат соҳаси корхоналари кўрсаткичлари

Корхоналар фаолиятининг асосий кўрсаткичлари	Йиғма индекс		
	2020 йил июль	2020 йил август	Ўзгариши
Ишлаб чиқариш ҳажми ўзгариши	42,0	55,3	13,3
Иш ўринлари сони ўзгариши	43,1	50,4	7,3
Корхоналарнинг жорий молиявий ҳолати	55,7	62,0	6,3
Айланма маблағлар билан таъминланганлик ҳолати	53,4	59,8	6,4
Буюртмаларнинг (талабнинг) жорий ҳолати	36,7	42,8	6,1
Тайёр маҳсулотлар захирасининг жорий ҳолати	52,9	51,8	-1,1
Хом ашё материаллари захирасининг жорий ҳолати	40,2	45,3	5,1
Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши бўйича кутилмалар	63,0	73,5	10,5
Иш ўринлари сони ўзгариши бўйича кутилмалар	60,8	64,9	4,1

Шу билан бирга, саноат соҳасида **ишбилармонлик кайфияти индексининг** июль ойига нисбатан ошиши, асосан:

- тармоқ корхоналарининг ишлаб чиқариш ҳажми ўзгариши билан боғлиқ кутилмаларининг 63 дан 73,5 гача;

- янги иш ўринлари яратиш билан боғлиқ кутилмаларининг 60,8 дан 64,9 гача яхшиланганлиги билан изоҳланади.

## Қурилиш ишлари соҳасидаги иқтисодий ҳолат ва кутилмалар

**Қурилиш ишлари** соҳасида август ойида иқтисодий фаоллик индексининг июль ойидаги 40,7 дан **49,2** гача ўсиши, асосан, карантин чораларининг юмшатилиши шароитида соҳада талабнинг ва иш ўринлари сонининг ошиши билан боғлиқ ҳисобланади.

Шунингдек, тармоқда **ишбилармонлик кайфияти индекси** ижобий шаклланган бўлиб, август ойида мазкур индекс 55,9 дан 59,6 гача ёки 3,7 бирликка ошди. Мазкур ҳолат қурилиш корхоналарининг келгуси 3 ойда янги иш ўринларини яратиш билан боғлиқ кутилмаларининг 1,3 бирликка ҳамда буюртмалар жорий ҳолати<sup>1</sup> индексининг 11,9 бирликка ошганлиги, яъни кутилмаларнинг июль ойига нисбатан яхшиланганлиги билан изоҳланади.

### 2-жадвал. Қурилиш соҳаси корхоналари кўрсаткичлари

Корхоналар фаолиятининг асосий кўрсаткичлари	Йиғма индекс		
	2020 йил июль	2020 йил август	Ўзгариши
Бажарилган қурилиш ишлари ҳажми ўзгариши	40,5	47,0	6,5
Иш ўринлари сони ўзгариши	40,5	47,6	7,1
Буюртмаларнинг (талабнинг) жорий ҳолати	41,1	53,0	<b>11,9</b>
Корхоналарнинг жорий молиявий ҳолати	55,7	64,5	8,8
Айланма маблағлар билан таъминланганлик ҳолати	52,5	63,3	10,8
Қурилиш ишлари ҳажми ўзгариши бўйича кутилмалар	66,5	64,5	-2,0
Иш ўринлари сони ўзгариши бўйича кутилмалар	60,1	61,4	1,3

Шу билан бирга, сўров натижалари қурилиш корхоналарининг **молиявий ҳолати** ҳамда **айланма маблағлар билан таъминланганлик** даражаси июль ойига нисбатан сезиларли даражада **яхшиланганлигини** (мос равишда 8,8 ва 10,8 бирликка ошган) кўрсатди.

<sup>1</sup> Буюртмаларнинг жорий ҳолати қурилиш корхоналарининг келгуси даврдаги фаоллигини баҳолайди.

## Хизматлар соҳасидаги иқтисодий ҳолат ва кутилмалар

Тармоқлар бўйича солиштирганда, жорий йилнинг август ойида иқтисодий фаоллик индексининг энг юқори ўсиши **хизматлар соҳасида** (умумий оқатланиш соҳаси билан бирга) кузатилган бўлиб, мазкур кўрсаткич июль ойига нисбатан 17,2 бирликка ошган.

Хизматлар соҳасида иқтисодий фаоллик кўрсаткичининг кескин ошиши 15 августдан бошлаб карантин чекловларининг юмшатилиши натижасида айрим хизмат турлари фаолиятининг қайта йўлга қўйилиши билан боғлиқ ҳисобланади. Бунда, хизматлар соҳасидаги иқтисодий фаоллик индексининг барча компонентларида, хусусан, хизмат кўрсатиш ҳажми, талаб ҳамда иш ўринлари сони ўзгаришида ўсиш тенденцияси кузатилди.

Шунингдек, хизмат кўрсатиш корхоналарининг август ойида **айланма маблағлар билан таъминланганлик** ҳамда **молиявий ҳолатининг** ҳам **яхшиланганлиги** (тегишли индекс қиймати мос равишда 12 ва 14,4 бирликка ошган) кузатилди.

### 3-жадвал. Хизматлар соҳаси корхоналари кўрсаткичлари

Корхоналар фаолиятининг асосий кўрсаткичлари	Йиғма индекс		
	2020 йил июль	2020 йил август	Ўзгариши
Кўрсатилган хизматлар ҳажми ўзгариши	20,1	48,8	28,7
Хизматларга талаб ўзгариши	23,1	48,5	25,4
Иш ўринлари сони ўзгариши	28,3	41,7	13,4
Корхоналарнинг жорий молиявий ҳолати	37,4	49,4	12,0
Айланма маблағлар билан таъминланганлик ҳолати	36,8	51,2	14,4
Хизматлар ҳажмини ўзгариши бўйича кутилмалар	55,1	72,8	17,7
Хизматларга талабнинг ўзгариши бўйича кутилмалар	57,5	77,2	19,7
Иш ўринлари сони ўзгариши бўйича кутилмалар	52,7	66,9	14,2

Хизматлар соҳасида **ишбилармонлик кайфияти индекси** ҳам август ойида июль ойидаги 55,1 дан 72,3 гача ошган бўлиб, ушбу ошиш корхоналарнинг хизмат кўрсатиш ҳажми (17,7 бирликка), хизматларга талаб (19,7 бирликка), иш ўринлари сони ўзгариши (14,2 бирликка) бўйича кутилмаларининг яхшиланганлиги билан изоҳланади.



## Савдо соҳасидаги иқтисодий ҳолат ва кутилмалар

Август ойида **савдо соҳасида иқтисодий фаоллик индекси** июль ойига (35,2) нисбатан 6,7 бирликка ошиб, 41,9 ни ташкил қилди. Соҳада иқтисодий фаоллик индексининг ошиши маҳсулотлар сотув ҳажми индексининг 14,8 бирликка ошиши ҳисобига шаклланди.

### 4-жадвал. Савдо соҳаси корхоналари кўрсаткичлари

Корхоналар фаолиятининг асосий кўрсаткичлари	Йиғма индекс		
	2020 йил июль	2020 йил август	Ўзгариши
Маҳсулотлар сотув ҳажми ўзгариши	28,5	43,3	14,8
Иш ўринлари сони ўзгариши	41,9	40,6	-1,3
Товарлар захирасининг жорий ҳолати ўзгариши	59,9	58,9	-1,0
Сотув ҳажмининг ўзгариши бўйича кутилмалар	58,7	70,6	11,8
Иш ўринлари сони ўзгариши бўйича кутилмалар	49,4	56,7	7,2

Шу билан бирга, савдо соҳасида август ойида **ишбилармонлик кайфияти индекси** ижобий шакланган бўлиб, мазкур кўрсаткич июль ойидаги 56 дан 62 гача яхшиланди.

### III. Методологик изоҳлар

**Иқтисодий фаоллик индекси** тармоқлар бўйича алоҳида ҳисобланган тармоқ иқтисодий фаоллик индексларининг (суб-индекслар) ўртача тортилган қиймати ҳисобланади. Бунда, мазкур кўрсаткични ҳисоблашда тармоқлар вазни сифатида уларнинг ЯИМдаги улушлари қўлланилади.

**Тармоқ иқтисодий фаоллик индекслари** эса, ўз навбатида, ҳар бир тармоқ учун маҳсулот ишлаб чиқариш (ишлар, хизматлар кўрсатиш) ҳажми, ишчилар сони, буюртмалар (талаб) ва товар-хом ашё захиралари ҳажми ўзгариши ҳолатини акс эттирувчи саволларга олинган жавобларга Халқаро иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти методологиясига мувофиқ тенг улушлар қўллаган ҳолда баҳоланади.

Иқтисодий фаоллик индексининг 50 дан юқори бўлиши иқтисодий фаоллик даражасининг ўсаётганлигини, 50 дан паст бўлиши эса унинг пасайиб бораётганлигини ифодалайди. Бунда, индекс қийматининг аввалги даврдагига нисбатан ошиши (камайиши) иқтисодий фаоллик даражасининг янада ўсаётганлигини (пасайиб бораётганлигини) билдиради.

**Ишбилармонлик кайфияти индекси** – корхоналарнинг келгуси даврлар учун иқтисодий кутилмаларини акс эттирувчи кўрсаткич бўлиб, тармоқлар бўйича алоҳида ҳисобланган тармоқ ишбилармонлик кайфияти индексларининг (суб-индекслар) ўртача тортилган қиймати ҳисобланади.

Бунда, мазкур кўрсаткични ҳисоблашда тармоқлар вазни сифатида уларнинг ЯИМдаги улушлари қўлланилади.

**Тармоқ ишбилармонлик кайфияти индекси** ҳар бир тармоқ учун маҳсулот ишлаб чиқариш (ишлар, хизматлар кўрсатиш), буюртмалар (талаб), тайёр маҳсулотлар захиралари ҳажми ва ишчилар сони ўзгариши бўйича кутилмаларни акс эттирувчи саволларга олинган жавобларга тенг улушлар қўллаган ҳолда баҳоланади.

Ишбилармонлик кайфияти индексининг 50 дан юқори бўлиши келгуси даврларда иқтисодий фаоллик даражасининг ошиши кутилаётганлигини, 50 дан паст бўлиши эса корхоналарда иқтисодий кутилмаларнинг салбий шаклланганлигини билдиради.

© Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, 2020 йил

---

*Статистика ва тадқиқотлар департаменти томонидан тайёрланган*

*E-mail:* [sturginboev@cbu.uz](mailto:sturginboev@cbu.uz)

*Тел.:* (+998) 71 212-60-09